



2020 yil 20 aprel

479-Қ - sonli

Ishtixon sh.

Тумандаги Митан шаҳарчаси Фурқат кўчасида яшовчи фуқаро Рафиқова Тавхида Салимжановнага “Енгил конструкцияли иссиқхона” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита улурни етиштириш жойларда суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларини қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” №167-сонли қарори ҳамда низоми ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-20-23-моддаларига асосан ва Иштихон тумани Митан шаҳарчаси Фурқат кўчасида яшовчи фуқаро Рафиқова Тавхида Салимжановнанинг туман ҳокими номига “Енгил конструкцияли иссиқхона” қуриш учун ер майдонини ажратиш беришни сўраб ёзган аризасини ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгаллик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгаллик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Митан шаҳарчаси Фурқат кўчасида яшовчи фуқаро Рафиқова Тавхида Салимжановнага “Енгил конструкцияли иссиқхона” қуриш учун “Митан истиклоли” муқобил МТП худудидаги 112-рақамли контурда жойлашган 0,9 гектар суғориб ҳайдаладиган ер майдони димий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (А.Мурадов)га “Енгил конструкцияли иссиқхона” қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
4. Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси туман филиали бошлиғи (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини Давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Игамкулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Негматов